



3. Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – С.35-36.
4. Rahmatullaev Sh. O'zbek tilining izohli frazeologik lug'ati. – Toshkent: O'qituvchi, 1978. – 408 b.

ТАРЖИМА ЖАРАЁНИДА ДИСКУРС ТАҲЛИЛНИНГ РОЛИ

Қосимова Нафиса Фарҳодовна

Бухоро давлат университети

Таржимашунослик ва лингводидактика кафедраси доценти, PhD;

email: knafisa75@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада таржима қилиш жараёнида дискурс таҳлилнинг роли, унинг баҳоловчи характери, аслият ва таржима матнлариаро интертекстуалликни таъминлаш потенциали ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: таржима, дискурс, дискурс таҳлил, таржимон тафаккури, контекст, интертекстуаллик, нутқ акти.

РОЛЬ ДИСКУРС АНАЛИЗА В ПРОЦЕССЕ ПЕРЕВОДА

Касимова Нафиса Фарҳодовна

Бухарский государственный университет

Доцент кафедры переводоведения и лингводидактики, PhD

email: knafisa75@mail.ru

Аннотация. В данной статье рассматривается роль дискурсивного анализа в процессе перевода, его оценочный характер, функциональный потенциал при обеспечении интертекстуальности между текстами оригинала и перевода.

Ключевые слова: перевод, дискурс, дискурсивный анализ, мышление переводчика, контекст, интертекстуальность, речевой акт.

THE ROLE OF THE DISCOURSE ANALYSIS

Kasimova Nafisa

The Department of Translation Studies and Language Education, Associate Professor,

PhD at Bukhara State University

email: knafisa75@mail.ru

Abstract. This article examines the role of discourse analysis in the translation process, its evaluative nature, and functional potential in ensuring intertextuality between the original and target texts.

Key words: translation, discourse, discourse analysis, translator's thinking, context, intertextuality, speech act.

Таржима фаолиятига адекват ёндашув нафақат аслият ва таржима матнлариаро мазмунни тиклаш муҳимлигини, балки бу матнлар қачон, қандай вазиятда, ким томонидан, қайси шароитда ишлатилишини ўз ичига олади. Ўзининг муайян "тарихи"га,



қўлланиш механизмларига, хосликларга эга бўлган бундай материал оддий матн, оғзаки ва ёзма маълумотни ташувчи материал сифатида қабул қилина олмайди. Матнни тушуниш ва тўғри талқин қилишга таъсир қиладиган барча омиллар йиғиндиси дискурсни ташкил этади. Матнлар дискурс доирасида мавжуд экан, мулоқот (коммуникация)нинг мавзуси, мақсади ва вазифаларидан ажралмас бўлиб қолаверади.

Таржимага доир тадқиқотларнинг замонавий илмий йўналишларидан бири таржима жараёнини оптималлаштириш мақсадида дискурс таҳлилдан фойдаланишдир. Мазкур услубни қўллаш давомида таржимон коммуникантларнинг асосий хусусиятларини, улар фойдаланадиган мулоқот стратегияларини аниқлайди, гап мазмунининг миллий-маданий, тарихий, ижтимоий, вазиятли ва бошқа жиҳатларини текширади, таржима қилинган гапнинг мақсадини белгилайди, бинобарин, унинг маъносини чуқур англашга замин яратади. Ҳам оғзаки, ҳам ёзма таржиманинг сифати кўплаб объектив ва субъектив омилларга боғлиқ; таржиманинг турли техникалари тўғрисида билимга эга бўлиш ва уларни қўллаш олиш, таржимонлик фаолиятида тажрибага эга бўлиш, аслият матнида келтирилган маълумотлар ҳақида хабардор бўлиш, диққатлилиқ билан биргаликда аниқ мўлжалга тушиш кўникмаси ва ҳоказо. Юқорида санаб ўтилган барча параметрларга риоя қилиш, муваффақият калитидек туюлиши мумкин, аммо, ҳар доим ҳам бундай натижага эришиш мушкул. Муаммо кўпинча таржимоннинг эътиборсизлиги, таржима жараёнига тайёр бўлмаганлиги, қобилиятсизлигидан эмас, балки аслият материали яратилишининг негизларини чуқур англамаслиги туфайли юзага келади. Таржимон қўлига тушган материал, оғзаки ёки ёзма бўлишидан қатъи назар, биринчи навбатда ҳар томонлама таҳлилга тортилиши керак. Бунда сўз нафақат таржима ва лисоний таҳлил, балки ижтимоий ва ситуатив идрок этиш ҳақида боради. Лисоний ва маданий чегаралар кесишувида воқеланадиган таржима коммуникация акти сифатида, янги маданий контекстда матн яратувчанлик табиатига эга бўлиб, муайян контекстда воқеланадиган икки тилда иккита матнни ўз ичига олади. Таржиманинг ўзини тилнинг воқеланиши сифатида қабул қиладиган бўлсақ, дискурс таҳлилининг концептлари ва усуллари таржимашунослик соҳаси учун катта аҳамиятга эга.

Таржима қилиш жараёнида матн тузилиши ва мазмун моҳиятини очиш мақсадида таржимонлар дискурс таҳлил концепт ва тамойилларига мурожаат қилишади. Бинобарин, дискурс таҳлилининг таржимашунослик, таржима илми ва амалиётида қўлланишида хилма хиллик мавжуд. Манбаларда келтирилган дискурс таҳлил қолиплари ва уларнинг махсус кўринишлари дискурс концептнинг услуб (регистр), жанр ва матн концептлари билан бирикишида намоён бўлади [3, 56]. Муңдей томонидан таклиф қилинган текстуал қолип дискурс таҳлил концепт ва усуллариининг таржимадан аввалроқ аслият матнидаги маданий табиатга эга бўлган маркерларни аниқлашга қаратилган. Таржима жараёнига йўналтирилган дискурс аналитик қолиплари текстуаллик қонуниятлари доирасида матн лингвистик қолипи асосига қурилади. Дискурс нуқтаи назаридан таржима матн билан таъминлаш, матнга йўналтирилган фаолият ҳисобланиб, аслият матни таржима матнинининг яратилишини воқелантирувчи омилдир [5, 43]. Матн таржима бирлиги сифатида кўриб чиқилади ҳамда аслият матнининг қўзғалиши, унинг ўзга муҳитда қайта яратилиши, тикланиши деб қабул қилинади. Ҳар иккала: ҳам аслият, ҳам таржима матни текстуаллик назариясининг стандартлари доирасида воқеланиб, мазкур стандартлар аслият матнини



таҳлил қилиш, унинг таржима матнига мослигини баҳолаш имконини беради. Шу маънода таржималарда иккига интертекстуаллик ҳодисаси юз беради ва бу ҳодиса аслият ва таржима матнлариаро воқеланади. Таржимондан матнни қайта яратишда таржима тилида сўзлашувчилар маданий онги нуқтаи назаридан ёндашишга тўғри келади.

Хатим ва Мейсон Ҳаллидей моделига асосланган, бироқ текстуаллик стандартлари, нутқ акти назарияси, хушмуомалалик меъёрларини қамраб оладиган текстуал ва контекстуал вариантлар учун мўлжалланган аналитик қолипларни таклиф қилишади. Уларнинг асосий мақсади – ёзма ва оғзаки таржима стратегиялари, шакллари, усулларини изоҳлашга мўлжалланган ёндашувни ишлаб чиқиш. Муаллифлар “дискурс” ни кенг маънода ишлатиб, уни социомаданий фаолиятда муайян муносабатларни шакллантирадиган ижтимоий гуруҳларни ўз ичига оладиган гапириш ва ёзиш деб талқин қилишади [3, 112].

Н.Н.Гавриленко қуйидаги схема бўйича махсус нутқнинг таржима таҳлилини амалга оширишни таклиф қилади: 1) сўзнинг мавзуси ва тагмавзуси; 2) сўзнинг яратилиш шартлари ва шароитлари; 3) махсус нутқнинг коммуникатив функциялари ва мақсадлари; 4) алоқа канали; 5) махсус нутқнинг жанри; 6) интердискурсивлик; 7) махсус коммуникантларнинг ўзига хос хусусиятлари; 8) махсус нутқнинг семантик ва иккиламчи тузилиши; 9) махсус нутқнинг ижтимоий-маданий, социолингвистик, просодик ва лингвистик хусусиятлари [1, 82]. Таржима тадқиқотига дискурсив-аналитик ёндашувнинг яна бир инновацион кўриниши – бу ижтимоий назария доирасида нарративлардан фойдаланиш. Нарративларга ижтимоий ва коммуникатив нуқтаи назардан қаралса, ҳамда улар “оммавий ва шахсий нарративлар” деб қабул қилинса, мазкур турдаги дискурс ҳатти-ҳаракатларимизни белгилаб берувчи омил сифатида талқин этилади.

Таржимада дискурс таҳлилини қўллашда Тросборг таклиф қилган модель жуда мураккаб бўлиб, интертекстуаллик параметрларининг барчасини қамраб олади. Бунда асосий урғу аслият матнида нутқ вазияти, коммуникатив қиймат, матн тизимлигига берилади. Таржимон қайси назарияга риоя қилишидан қатъи назар матн аслият матни моҳиятини ижтимоийлик назариялари билан суғорилган ёндашувга асосланган ҳолда очишга ҳаракат қилиши лозим. Таржима жараёнида дискурс таҳлил усулини қўллашдаги яна бир муҳим жиҳат – бу аслият матнининг жанри ҳисобланиб, таржимондан мазкур жанр кўринишларини таржима тилида қайта яратиш тамойилларидан хабардор бўлиш талаб қилинади. Жанрни таҳлил қилиш, иккала тиларо ўхшашлик ва тафовутларни белгилаш, лисоний-маданий жиҳатларини изоҳлаш орқали нафақат лисоний матннинг сифатли таржимасига, балки маданият, жанр таржимасига ҳам эришиш мумкин.

Баҳолаш назарияси таржима қилиш жараёни ва таҳлилда Манфредий томонидан таклиф қилинган усул бўлиб, оғзаки ва ёзма аслият муаллифи психологияси, тафаккури, аслиятнинг матний ва матндан ташқари контексти, таржима тили тегишли бўлган халқнинг миллий онги, маданий контексти, лингвистик анъаналарини ҳисобга олиш имконини яратади [4, 190]. Тилшунослик оламида охириги 30-40 йил мобайнида юзага келган антропоцентрик пардаигма доирасида бажарилган тадқиқотлар таржима назарияси ва амалиётида ҳам нутқни унинг эгаси ва қабул қилувчиси нуқтаи назаридан таҳлил қилиш тенденцияларини шакллантирди. Миллий мафкура, менталитет,



муаллифга хос бўлган индивидуаллик, миллатга хос дунёқараш, борлиқни қабул қилиш, оний вазиятлар омилининг таржима жараёнига интеграллашуви таржима таҳлили, таржима жараёнида дискурс таҳлиlining фундаментал нуқталарини ташкил қилди.

Юқорида муҳокама қилинган назарий тақлифларга асосланиб, таржима нутқининг маъносига максимал даражада кириб бориш учун таржима таҳлилини икки йўналишда амалга ошириш тавсия этилади: биринчидан, нутқ (матн)ни нутқ категориялари шаклида воситалар ёрдамида бир бутун шакл сифатида ўрганиш; иккинчидан, алоҳида баёнотларни нутқ (матн) нинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилиш. Гап таҳлилини амалга оширишнинг бу усули таржимонга гапнинг концептуал соҳасини яратиш ва унинг марказий тушунчасини аниқлаш имконини беради. Таржима тилида гап тузишда таржимон онгида ҳосил бўлган тушунчалар таржима тилининг лексик, синтактик ва грамматик воситалари ёрдамида объективлаштирилади. Таржимон ибораларни изчилликка асосланган занжирга тиради. Шундай қилиб, дискурс таҳли таржимон томонидан аслият тилини идрок этиш ва англаш босқичида ҳам, таржима тилида матнни қайта таклаш босқичида ҳам самарали усул бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гавриленко Н. Н. Понять, чтобы перевести: перевод в сфере профессиональной коммуникации. Кн. 2. М.: 2010. – 186 с.
2. Рудакова А. В. Когнитология и когнитивная лингвистика. 2-е изд. Воронеж: Истоки, 2004. – 231 с.
3. Hatim, B., Mason, I. The translator as communicator. – London, 1997. – 201 p.
4. Manfredi, M., Investigating ideology in news features translated for two Italian media. Across Languages and Cultures, 19 (2), 2018. – pp .185-203.
5. Munday, J. Evaluation in translation: Critical points of translator decision-making. – New York: Routledge, 2012.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА МАҚОЛ, МАТАЛ ВА ИДЕОМАТИК БИРИКМАЛАРНИ ЎЗБЕК ВА НЕМИС ТИЛЛАРИДА ҚИЁСЛАБ ЎРГАНИШ

Бабаев Махмуд Ташпулатович (БухДУ)
"Таржимашунослик ва лингводидактика"
кафедраси ўқитувчиси
email: maxmudbabaev1963@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада чет тили ва ўзбек тилларидаги мақолларни қиёслаб ўрганиш ва уларнинг таржимасини тавсия қилиш, бирининг иккинчисига таъсири масалалари муаммолари ёритилган.

Таянч сўзлар: мақол, идиома, таржима, бадиий, маъно.

СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ПОСЛОВИЦ, ПОГОВОРОК И ИДЕОМАТИЧЕСКИХ СОЕДИНЕНИЙ УЗБЕКСКОГО И НЕМЕЦКОГО ЯЗЫКОВ В ПРОЦЕССЕ УРОКОВ

Бабаев Махмуд Ташпулатович
Бухарский государственный университет
Преподаватель кафедры переводоведения и лингводидактики,